

Ўзбекистон Миллий кутубхонасида “Қуёш ва юракдан узилган парча” деб номланган кўргазма очилди

01.03.2017



2017 йил 1 март кунини Ўзбекистон Миллий кутубхонасида “Қуёш ва юракдан узилган парча” деб номланган кўргазма очилди, Кўргазма Ўзбекистон халқ шоираси Зулфия таваллудига бағишланди. Китоб-расмли кўргазмада шоиранинг ҳаёти ва ижодига бағишланган китоблар, журналлар ва газеталар тақдим этилмоқда.

Ўзбек халқининг севимли шоираси, таниқли жамоат арбоби, Ўзбекистон халқ шоири Зулфия Исроилова 1915 йил 1 март кунини Тошкентда тугилди. У юксак маънавиятли зиёлилар оиласида таваллуд топди. Зулфия ўрта мактабни ва хотин-қизлар педагогика билим юртини тамомлагач республика газета ва журналлари нашриётларида ишлаб бошлади, шеърятга ошно бўлиб шеър ёзишни машқ қила бошлади. Зулфиянинг ёшлиқ, дўстлик ва инсон қалби гўзалликлари ҳақидаги “Ўаёт варақлари” деб номланган биринчи шеърини тўплами 17 ёшидаёқ чоп этилди. У 1938 йилдан бошлаб турли нашриётларда муҳаррир, бўлим бошлиғи бўлиб ишлайди, республика ва

республикалараро ташкилотлар аъзоси бўлиб фаолият юритди. Зулфия ўз ижодида ўз халқи, унинг мингйиллик анъаналари, оила кўргонини асрагувчи она-Ватанни тараннум этди. У ҳеч қачон ўз эришганларида тўхтамас, хамиша ўз устида ишлар. Унинг бу ҳаракатлари натижаси бўлмиш “Хожар”, “Ўур қиз”, “Биз”, “Мен сени севар эдим”, “Куйларим сизга” шеърларини китобхонлар севиб қабул қилдилар. Шоиранинг энг машҳур “Ўулкар”, “Мен тонгни куйлайман”, шеърлари, “Юрагимга яқин кишилар”, “Хижрон кунларида”, “Уни Фарход дердилар”, “Менинг баҳорим”, “Шалола” шеърий тўпламлари унга халқ эътирофини олиб келди. Шу тўпламлар қардош халқлар тилларига ҳам таржима қилинди. Зулфиянинг ижодий камолотида ўзбек ва рус классиклари, халқ оғзаки ижодиёти ва жаҳон адабиёти анъаналарининг роли бениҳоя бўлди. Зулфиянинг шеърлари рус, инглиз, немис, ҳинд, болгар, хитой, араб, форс ва бошқа тилларга таржима қилинган. Шунингдек, у Н.А.Некрасов, М.Ю.Лермонтов, В.Инбер, Л.Украинка, Э.Огнецвет, М.Дилбозий, А.Притам асарларини ўзбек тилига маҳорат билан таржима қилган. Таниқли жамоат арбоби, Ўзбекистон халқ шоираси Зулфия Исроилова таваллуди муносабати билан унинг асарлари кўргазмасига ташриф буюрган кутубхона фойдаланувчилари унинг «Йиллар садоси», «Шалола», «Баҳор келди сени сўроқлаб», «Тонг билан шом аро» китоблари, шеърий тўплам ва сайланмалари, шунингдек, газета ва журналларда чоп этилган Зулфия ҳаёти ва ижодига доир мақолалар билан танишдилар.